

САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙНИНГ «ШАРХУ-Л-МИФТАХ» АСАРИДАГИ БАЛОҒАТГА ДОИР ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР

Аскарлов Абдурашид Муроджонович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар
кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: араб тили балоғат фани, илмул маони, илмул баён, илмул бадий, полисемия, синономия, Саъдуддин Тафтазоний.

Key words: the rhetoric of Arabic language, comprehension of its contents: ilmul maani, ilmul bayan, ilmul ,badi, the history of the occurrence of these sciences, polysemy, synonymy, Sa'duddin Taftazani.

Ключевые слова: риторика арабского языка, понимание его содержания: илмул маани, илмул баян, илмул, бади, история возникновения этих наук, полисемия, синонимия, Саудуддин Тафтазани.

Ушбу мақолада араб тилининг балоғат фани, унинг таркибидаги илмул баён, илмул маоний ва илмул бадий ҳақида, ушбу санъатларнинг юзага келиш тарихи, ҳамда, ушбу илмларни аجدодлардан қолган оғзаки ва ёзма маънавий меросни ўрганишдаги аҳамияти баён қилинди. Шунингдек, араб тили балоғатига улкан ҳисса қўшган олим Саъдуддин Тафтазоний ҳақида сўз юрилилади.

Эта статья исследует риторика арабского языка и его содержания: илмул баян, илмул маоний ва илмул бадий, историю возникновения этих наук, а также их роль в изучение устного и письменного наследия предков и ученых. Статья также содержит работы великого ученого Саудуддина Тафтазани об арабской риторике.

This article explores the rhetoric of Arabic language, comprehension of its contents: ilmul maani, ilmul bayan, ilmul ,badi, the history of the occurrence of these sciences, and its role on studying the oral and written heritage of ancestors, scholars. The article also contains the works of the great scientist Saad Eddin Tafzani on the Arabic rhetoric.

Саъдуддин Тафтазонийнинг «Шарху-л-мифтах» асари Саккокийнинг (ваф. 626 х.) «Мифтаху-л-улум» асарининг балоғат қисмига ёзилган шархдир. Саъдуддин Тафтазоний «Ҳаваши-л-Кашшоф» асарида унга ҳавола келтириб, «...биз бунинг таҳқиқини «Шарху-л-мифтах»да келтирамиз» деган¹. Асар ушбу ном билан машҳур бўлган. У кейинчалик «Шарху-л-қисми-с-салис мин мифтахи-

¹Ҳавоший ал-кашшоф. 217/а. Бу ҳавола «Шарх ал-мифтоҳ»унинг охириги ёзган асари, деган фикрни қўллаб-қувватлайди ва Саъдуддин Тафтазоний мазкур иккала китобни бир вақтда ёзгани ойдинлашади

л-улум» деб ҳам номланган. Ушбу асар Тафтазонийнинг балоғатга оид охириги ёзган асари бўлиб, уни 789-ҳижрий сананинг Шаввол ойида Самарқандда тамомлаган².

Асар ҳозирги кунгача чоп этилмаган. У қўлёзма шаклда бўлиб, Роъфат Исмоил Ғоним 1983-йилда Ал-азҳар университетида докторлик даражасини олиш учун уни таҳқиқ қилган.

Асарга ўнлаб ҳошиялар битилган³. Жуда кўпчилик олимлар ундан иқтибос келтиришган⁴.

Саъдуддин Тафтазонийнинг ушбу шарҳ тарзида ёзилган асари Саккокий томонидан балоғат борасидаги билдирилган фикрларга дастлабки муносабат эмас. Тафтазоний бундан олдин Саккокий сўзларининг жумбоқли жойларини “Мутаввал” ва “Мухтасар”да баён қилишга эътибор қаратган. “Мутаввал”да унинг сўзларини тушунишдаги чигалликларга кўп ишора қилган. Қазвийний бунга биринчи эшикни очган. Зеро, унинг “Талхис” асари Саккокий сўзларини тушуниш, фикрларини ўқишга уриниш ҳисобланади. Саъдуддин Тафтазоний “Талхис”га икки марта шарҳ ёзилгандан кейин “Мифтоҳ”ни шарҳ қилишга сабаб топа олмаган. Сўнг уни “Кашшоф” ва “Мифтоҳ”ни шарҳ қилишга ундайдиган нарса топгунча орадан 30 йил ўтди. Тафтазоний айтади: “Баъзи фузало ва уламоларнинг илтимоси билан қалам юганини “Кашшоф” асари ҳошияларига таълиқ ёзиш, унинг дур ва садафларини ажратиш томон буриш, соатлари ва сониялари ўртасини ажратиш, етук аллома Абу Яъқуб Сирож ал-маъолий Юсуф ибн Муҳаммад Саккокийнинг (Аллоҳ уни Ўз мағфирати билан ўраб олсин) «Мифтоҳу-л-улум» асари учинчи қисмини шарҳ қилишга ваъда бердим... Соҳир атоқли шоир (ва адиб)лар тили (асарнинг) нафис иборалари чиройли экани, ишоралари нозиклигини айтган. Араблар нозик ибораларида уни мезон ва адабий санъатларда ўта аниқликда ўлчайдиган тарози эканини кўриш мумкин. Ифодани тузишда, баён соҳасидаги қоидаларни кўтаришда, Қуръонга хос бўлган икки илмда асосларга кириш қилишда маънолар ва уларнинг муносиб бўлиши, бир неча тарафларнинг бирикиши ва мослигида кучини аямаган”⁵.

“Шарҳу-л-қисми-с-салис мин мифтоҳи-л-улум” ва “Мутаввал” ўртасидаги фарқ: Саъдуддин Тафтазоний “Мифтоҳу-л-улум” асарини алоҳида шарҳлаганда “Мутаввал”да тутган йўлидан борган. Фақат шарҳ услубида кўринадиган иккиси ўртасидаги фарқни изоҳлаб берган. У “Мутаввал”ни ёзган вақтда ёш, қизиққон бўлган. Унда тезлиги, танқид ва раддия беришдаги шиддати намоён бўлади. Унда фикрлар, эътирозларни кенгайтириб, гарчи узун ва кўп бўлса-да, улар

²Қаранг: Кашф аз-зунун. 2/1763. Ал-бадр ат-толий. – Б. 858. Шазарот аз-заҳаб. 8/548.

³Қаранг: Кашф аз-зунун. 2/1764-1765.

⁴Қаранг: Фанорий. Ҳошия ала ал-мутаввал. – Б. 80-81, 130. Ал-атвал. 1/209. Тироз ал-мажалис. – Б. 294, 309. Ҳошия ала шарҳ Бонит Суод. Ҳошия аш-Шихоб ала ал-Байзовий. Иқд ад-дурар ал-бахийя. – Б. 237.

⁵Шарҳ ал-мифтоҳ. 2/а.

ҳақида баҳслашишга сабр-тоқати бор эди. Яна кенг шарҳлаш ва унинг ҳар томонини тадқиқ қилиш ҳолати мавжуд эди. Аммо “Шарҳ ал-мифтоҳ” ни ёзганда сокин ва вазмин қария эди. Йиллар унинг тилини пиширган, пухталаштирган, тажрибаси, қўп илмлар борасида ёзганлари билан танишиб чиқиши ортган. Уни омухта шарҳ эмас, балки сўз билан шарҳ қилган. Саккокий сўзининг бошини бошлаб, охирига етказмай, сўнг ундаги ноаниқликларни шарҳ қилиб, ундаги чигалликни ечиб беради.

Тафтазонийни ушбу йўлга олиб борган ҳолат олдинги икки асарида зикр қилинганидек такрор кўпайиб кетишидан қўрққан бўлиши мумкин. Сўз билан шарҳ қилиш унга матн муаллифининг сўзидан хоҳлаганини шарҳ қилишга ихтиёр берган. Агар бу ерда (“Шарҳ ал-мифтоҳ”да) олдинги икки асарда кенгроқ келтирган муҳим баҳс-мунозараларни қайтаришни хоҳласа, уни қисқа ва мухтасар ҳолда келтирган. Ёки масаланинг бир томонини зикр қилиб, уни “Шарҳ ат-талхис”га ҳавола берган⁶. Иккинчи томондан “Шарҳ ал-мифтоҳ”да “Мутаввал”да кам эътибор қаратиш ёки ишора қилиш билан кифояланган масалаларини кенг баён қилиб, изоҳлаганини кўриш мумкин.

Баъзида ушбу шарҳда Саккокийнинг сўзи маъносини “Мифтоҳ” шарҳлари билан танишиб чиққанлар тушунадиган ёки Саъдуддин Тафтазоний ўзи “Мутаввал”ида келтирган кўринишда ифодалаш билан чекланган. Саккокий сўзига боғланиб қолган бирор шубҳа (ноаниқлик) бўлса, бу – Тафтазоний муқаддимада эслатганидек, уни кетказиш йўлидир⁷.

Саъдуддин Тафтазоний ушбу шарҳида олдин ўзи бошқа асарда зикр қилган фикридан воз кечган⁸. Унда олдин зикр қилинган фикр ёки унинг эгасини зикр қилишни яширганини ошкор қилган⁹. Бу ерда эътибор бериш лозим бўлган нарса шуки, Саъдуддин Тафтазоний баъзида истилоҳий нарсаларда матн эгасига эргашган. Унинг сўзидан “Шарҳ ал-мифтоҳ”да “Мутаввал”да айтганидан бошқа фикрга борганини маълум қилган. Бу ўз фикрига қарши эмас, балки фикрларига кирмай қолган нарсадир. У фақат матн муаллифи сўзини ўз услуби ва истилоҳи бўйича тутиши ва унга эргашшидир. Шу сабабли “Мутаввал”да “Шарҳ ал-мифтоҳ”да эътибор бермаган нарсаларга эътибор қаратган. Иккинчисида аввалгисида тузмаган нарсалар йўлидан борган. Чунки “Талхис”да “Мифтоҳ”да йўқ масалалар мавжуд, акси ҳам шундай¹⁰.

⁶Қаранг: Шарҳ ал-мифтоҳ. 100/а. Унда: “Бу борада таҳқиқнинг охирини “Шарҳ ат-талхис”да келтирганмиз”, деган.

⁷Қаранг: Шарҳ ал-мифтоҳ. 2/б; 22/а.

⁸Қаранг: Шарҳ ал-мифтоҳ. 162/б; 163/а. Уни “Мутаввал” 289-бети билан таққослаш мумкин. Шарҳ ал-мифтоҳ. 17/б. Уни “Мутаввал” 131-бети билан таққослаш мумкин. Бу фикрлар унга хос эмас, балки бошқасидан нақл қилинган.

⁹Шарҳ қилган аллома – Шерозий эканини очиқ айтган. Шарҳ ал-мифтоҳ. 89/а. “Шарҳ ал-мифтоҳ” 181/б да “Мутаввал” 212-бетда кимга нисбат берилгани айтилмаган сўзни Розийга нисбат берган.

¹⁰“Талхис”даги шеърӣ кўчирмалар “Мифтоҳ”да йўқ. Яна “Мифтоҳ” 336-бетда феъл исботи (мусбатлиги) “Талхис”да йўқ. Қаранг: Ал-мутаввал. – Б. 127. Шарҳ ал-мифтоҳ. 64/б.

Ушбу асарнинг ўзига хосликларидан бири шуки, Тафтазоний ушбу асарда олдинги ва “Мутаввал” ёзилган вақтда мавжуд бўлмаган ўша вақт асарларида кенг ёритилган масалаларга ҳавола лар берган.

Ушбу шарҳда хосланган нарсалардан бири Тафтазонийнинг Саккокий тилига кучли эътибор қаратганидир. Саъдуддин Тафтазоний Саккокийни фақат балоғат имомлари ичида улуғ йўлбошчи деб эмас, балки балоғат унинг қаламидан вужудга келадиган, иборасидан сеҳрли сўз порлайдиган адиб деб ҳисоблаган. Кўпинча Саккокийнинг баъзи ибораларини таҳлил қилган. Сабаби улардан илм ва ишораларни чиқариш, сўз сеҳри ва чиройини баён қилишдир¹¹.

Ушбу шарҳдаги Саъдуддин Тафтазоний тили адиб руҳига яқинрок. “Мутаввал”да эса ўткир илмийлиги кўринади. Бунинг сабаби ўзи қабул қилган соҳа табиати бўлса керак. У гўё “Мутаввал”да кўплаб балоғат қоидалари, истилоҳлари ва чегаралари ҳақида баҳс юритиб бўлган, ушбу шарҳда эса уларни қайтармасдан, фақат ишора қилиш ва қисқартириш йўли билан ифодалаш фойдалидек кўринади. У балоғат илмининг бошқа томонларига эътибор қаратишга фурсат топиб, балоғатли гап маънолари остидаги нозик нуқталар ва маъноларни чиқариб олган. Сўнг Саккокий баъзи бобларда келтирган ва шундай ташлаб кетган маълумотларни таҳлил қилишга киришган. Бунга Саккокийнинг вақт ўтган сайин ушбу асари ўқувчисини қизиқтириши ва Саккокийнинг балоғатга оид маълумотларни ўз бобида келтириб, у (маълумотлардаги изох талаб қиладиган иқтибос ва шарҳлар)ни зийрак ўқувчига қолдириб кетганига Саъдуддин Тафтазонийнинг ишончи ёрдам берган. Гўё сўз билан (сўзма-сўз) шарҳ қилиш унга аралаш шарҳида маҳрум бўлган эркинликни берган ва қаламини шунга йўналтирган.

Ушбу услубни ўзи аниқ айтган: “Сиз бизнинг мисолларни келтиришимиз ва ундаги нозик нуқталарни баён қилганимиздан кўриб турганингиздек (услубимиз – шу), ҳатто кўп илмларда талаба бирор фойда олмаган қоидаларга киришни ҳам қисқартириб юбордик”¹².

Саъдуддин Тафтазонийнинг ушбу шарҳни таҳлил, (муаллиф назарда тутган) мақсадлар ва балоғатга оид нозик жиҳатларни чиқариб олишга эътибор қилишига яна бир қўшимча сабаб унинг “Кашшоф”дан таъсирлангани бўлса керак. Чунки “Шарҳ ал-мифтоҳ”ни “Ҳавоший ал-кашшоф”ни ёзаётган вақтда таълиф қилган. Икки илмнинг ёзилишинг бир вақтга тўғри келиши бирининг бошқасига аралашиб кетадиган баъзи жиҳатларни келтириб чиқарган.

Саъдуддин Тафтазонийнинг тафсирга оид асарларидан деб ҳисобланадиган бир асар бор. Лекин у кўплаб илмларни ўз ичига олгани учун балоғатга яроқли

¹¹Қаранг: Шарҳ ал-мифтоҳ, 238/а-б.

¹²Шарҳ ал-мифтоҳ, 133/а. Қаранг: Ал-мифтоҳ. – Б. 356.

асосларни ўз ичга олади. У “Ҳавоший ал-кашшоф” асаридир. Ушбу асар Замахшарийнинг машҳур тафсирига шарҳ ва таълиқ жамланмасидир.

Саъдуддин Тафтазоний унга ушбу номни берган¹³. Библиографик асарларда у шунга яқин “Ҳошия ал-кашшоф”¹⁴ ва “Шарҳ ал-кашшоф”¹⁵ номлари билан келтирилган. Ушбу номларнинг барчасига муаллифдан нақл қилинган асарларда ҳавола берилган¹⁶.

Тафтазоний ушбу асарни охирига етказмаган. Уни Фотиҳа сурасидан бошлаб Юнус сурасигача, сўнг Сод сурасидан Муҳаммад сурасигача ҳошия битган. Қўлёмани кўчирган хаттот Юнус сурасини тугатгач: “Кашшоф” асари ҳошиялари”нинг биринчи жузи тугади”, деб ёзган¹⁷. Ҳошияда шундай ёзилган: “Ҳуд (сураси) бошидан Соффат (сураси) охиригача ҳошия ёзилмаган. 27 сура қолдириб кетилган”. Бу сўзни бошқа маълумотлар ҳам тасдиқлайди¹⁸. Библиографик асарларда Саъдуддин Тафтазоний ушбу асарини тугатгани ҳақидаги гаплар уйдирма¹⁹. Саъдуддин Тафтазоний икки жуз дан иборат ушбу асарни Самарқандда 789 ҳижрий сананинг Рабиъул охир ойида тугатган²⁰.

Саъдуддин Тафтазонийнинг ушбу асарни оққа кўчириши охирига етмагани таъкидланади. Ҳасан ибн Аҳмад Жалол (1084 ҳижрий санада вафот этган) уни охирига етказган ва “Минаҳ ал-алтоф би-такмил ҳошия ас-Саъдуддин ала ал-кашшоф” деб номлаган²¹.

Ушбу асарнинг тақдири шериги “Шарҳ ал-мифтоҳ” каби бўлиб, қўлёмалари олийгоҳлардаги бошқа рисоалар каби ўрганишга кўпчилик қизиқмади. Унинг 1-жузини 1978 йил Ал-азҳар университетда докторлик даражасини олиш учун Абдулфаттоҳ Исо Барбарий таҳқиқ қилди. 2-жузини эса 1979 йил ушбу университетда докторлик даражасини олиш учун Фавзий Абдулқоҳир Абду Роббиҳи нашрга тайёрлади²².

“Кашф аз-зунун” муаллифининг ушбу ҳошия Тоййибийнинг “Ал-кашшоф”га ёзган ҳошияси қисқартмаси деб зикр қилган сўзи тўғри эмас²³. Чунки

¹³Қаранг: Шарҳ ал-мифтоҳ. 48/а, 60/а.

¹⁴Қаранг: Буғя ал-вуот. 2/276. Ал-бадр ат-толий. – Б. 858.

¹⁵Шазарот аз-заҳаб. 8/548. Мифтоҳ ас-саода. 1/192.

¹⁶Қаранг: Ал-атвал. 1/364. Фанорий. Ҳошия ала ал-мутававал. – Б. 11. Тироз ал-мажолис. – Б. 35, 80, 309. Ҳошия ала шарҳБонитСуод. 1/232. Шарҳ ар-рисола ас-самарқандийя. – Б. 74-75. Иқд ад-дурар ал-бахийя. – Б. 225.

¹⁷Ҳавоший ал-кашшоф. 273/а.

¹⁸Қаранг: Кашф аз-зунун. 2/1478. Буғя ал-вуот. 2/276.

¹⁹Қаранг: Ал-бадр ат-толий. – Б. 858-859. Шазарот аз-заҳаб. 8/548. Броккелман. 2/320.

²⁰Қаранг: Кашф аз-зунун. 2/1478. Буғя ал-вуот. 2/276. Ал-бадрат-толий. – Б. 858-859. Шазарот аз-заҳаб. 8/548. Броккелман. 2/320. Мифтоҳ ас-саода. 1/192.

БуихтилофнингсабабибаъзиларСаъдуддинТафтазонийнингшарҳларнитугатгансанасиниёзган, баъзилартаҳрирваоққакўчиришинибошлашвақтинийёзган. Қаранг: Ҳавоший ал-кашшоф. 81/а.

²¹Қаранг: Мукаддима шарҳ ат-таҳзиб фи ал-мантик. Ал-бадр ат-толий. – Б. 226.

²²Қаранг: Қоима масодир рисола ал-вов ва мавақиъуха фи ан-назм ал-Қуръоний.

²³Қаранг: Кашф аз-зунун. 2/1478.

иккиси қиёсан ўрганилган. Ушбу сўзга доктор Муҳаммад Абу Мусо олдин раддия берган²⁴.

Саъдуддин Тафтазоний ортидан келган олимлар унинг ушбу асарини бошқа асарлари сингари самимий қабул қилишган. Унга бир неча хошиялар ёзиб²⁵, ундан кўп нақл қилишган.

Ушбу асар “Кашшоф” атрофида ёзилган энг муҳим асарлардан саналади²⁶. Ҳожи Халифа айтади: “Муҳаққиқ, билимдон яъни Саъдуддиннинг шарҳи эса таҳқиқ, тадқиқ, мувофиқлаштириш ва безатиш нозикликларини қамраб олгани учун тенги йўқдир. Лекин фурсат ўтиб, у билан умрининг охирида шуғулланган. Натижада ўлим чопари ушбу ишни тугатишидан олдин келган.

Саъдуддин Тафтазоний ушбу асарда Замахшарий эътибор қаратган илмга эътиборини қаратган. Унда “Кашшоф” ўз ичига олган луғат, наҳв ва фикҳ масалаларини киритган. Саъдуддин Тафтазоний ушбу асарда кўпроқ Имом Шофеъий ва Абу Ҳанифа мазҳаби ўртасидаги ихтилофли масалаларни таржих қилишда таркибнинг хос масалаларига суянишга ҳаракат қилган²⁷. Таркибнинг хос масалаларини билиш билан танилган Замахшарий билан кўп масалаларда баҳс олиб борган. Бу билан у мазҳаб иштиёқига эргашиш эканини унутиб қўйган. Қироатлар борасида ҳам эътироз билдириб, Замахшарийни баъзи қироатларни заифга чиқаргани учун танқид қилган²⁸. Яна бошқа тафсир илмларига оид масалаларда ҳам танқид қилган.

Балоғат илмига оид масалалар ушбу хошиялар (Ҳавоший ал-кашшоф)нинг бир жиҳатини қамраб олган. Чунки, матн ва хошия муаллифи ушбу илмнинг энг кўзга кўринган билимдонларидан-ку. Фақат ушбу масалаларни Саъдуддин Тафтазоний асарларидаги маълумотлар билан таққослаган одам унча катта фарқни кўрмайди. Юқорида Тафтазонийнинг таълиф қилишдаги асарлардаги маълумотлардан тўлиқ фойдаланиш, уни мунозара қилишдаги ижтиҳоди, уларда ёзилганларни ўрганиб чиқиб, сўнг буларнинг барчасини шарҳларига киритгани ҳақидаги услуби ҳақида сўз юритилди.

“Мутаввал”да Саъдуддин Тафтазоний “Кашшоф”даги балоғатга оид қоидалар ва чигал масалаларнинг аксариятини цитата сифатида келтириб, уни муҳокама қилиб, таҳқиқини келтиргани маълум. Ушбу (Ҳавоший ал-кашшоф)да ўша масалалар келса, уни қисқартиб қайта келтирган²⁹ ёки ўқувчи учун “Шарҳ ат-талхис”га ҳавола (сноска) бериш билан чекланган³⁰. Шундан сўнг “Кашшоф”даги балоғатга оид маълумотларни таҳлил ёки илова қилиш керак

²⁴Қаранг: Ал-балоға ал-қуръонийя. – Б. 98.

²⁵Қаранг: Кашф аз-зунун. 2/1479.

²⁶Қаранг: Кашф аз-зунун. 2/1475-1484.

²⁷Ҳавоший ал-кашшоф. 105/б, 106/а-б, 191/б.

²⁸Қаранг: Ҳавоший ал-кашшоф. 130/б, 232/а.

²⁹Бунча “Ҳавоший ал-кашшоф” иккинчи ва учинчи фаслининг иккинчи мабҳасида кўп мисоллар келтирилган.

³⁰Қаранг: Ҳавоший ал-кашшоф. 30/б, 38/а, 260/а, 289/а.

бўлган. Бу эса Саъдуддин Тафтазоний ўрганадиган ва таҳқиқ қиладиган ўрин эмасди. Сўнг Замахшарий бу масалаларда мунозара қилинмайдиган, фақат у муътазилликка ҳукм қилинган эди. Саъдуддин Тафтазоний эса ўқувчиларни ҳақ йўлга бошлаш учун унга раддия берган. Бу эса Тафтазонийнинг балоғатга оид олдинги асарларида мавжуд бўлмаган янги жиҳатдир.

Бир сўз билан айтганда, Замахшарий “Биринчи аллома” бўлса, Тафтазоний “Иккинчи аллома” деб лақаб олган. Бу алломанинг илми кенглиги, машҳурлиги ва “Кашшоф”даги аксар илм (наҳв, луғат, балоғат ва бошқа)ларни муҳокама қилгани учун берилган. Шу тўғрисида “Ҳавоший ал-кашшоф” асари илм соҳалари кенгайиб, манбалари кўпайиб кетган.

Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳу-л-қисми-с-салис мин мифтаҳи-л-улум” асари 1991-йил Мисрнинг машҳур ал-Азҳар университети араб тили факультети балоғат кафедраси доктори Роъфат Исмоил Ғоним томонидан ўрганиб таҳқиқ қилинган.

Юқоридагилардан Саъдуддин Тафтазоний қолдирган балоғатга оид мерос кўлами намоеън бўлади. Улар алломанинг ушбу соҳага катта эътибор қаратгани, ўзидан кейинги олимлар наздида асарларининг даражасини кўрсатади.

Бошқаларнинг балоғат асосларига оид асарига шарҳ бўлсада, қолдирган мероси унинг шахсияти ва фикри бошқалардан ажралиб туришини билдиради.

Ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган ушбу асарлар бир неча марта Туркия, Миср, Ҳиндистон ва бошқа давлатларда қайта-қайта нашр қилинган. “ал-Мутаввал”нинг замонавий нашрлари жуда кўп. Баъзи нашрлари таҳқиқлар асосида баъзи бир нашрлари эса таҳқиқ қилинмаган ҳолда нашр қилинган. 1971-йил Мисрнинг Қоҳира университети балоғат фани устози, профессори Доктор Абдулҳамид Ҳиндовий таҳқиқи остида Байрутда нашр этилади.³¹

Балоғат илмининг маъоний бўлими тадқиқи натижасида ҳосил бўлган хулосалар қуйидагичадир:

Саъдуддин Тафтазоний ўзидан олдингилар шарҳлашга киришган асарларни ўрганиб чиқиб, ўз шарҳи билан улардаги камчиликларни бартараф этишни хоҳлаган.

Хулоса қилсак, Саъдуддин Тафтазоний “Мухтасар”да “Мутаввал”даги маълумотларни кўпини қўшмаган аён бўлади. Саъдуддин Тафтазоний «Мутаввал» асарини ёзишда Қазвийний «Талхису-л-мифтаҳ» асарида олимларнинг қарашларига эътироз билдирган ва уларни ихчамлаштирган ўринларнинг барчасини ўрганиб чиқишни, бошқа балоғат олимларининг сўзларидан далиллар келтириш орқали унинг қарашларининг тўғри ёки хато эканига муносабат билдиришни мақсад қилган эди. Шу тариқа Тафтазонийнинг «Мутаввал» асари балоғат уламолари қарашларига, айниқса уларнинг

³¹Хусни Абдулжалил Юсуф. Ал Мисбах фил маони вал баён вал бадиъ. Байрут. 2012.

«Мифтаху-л-улум»да келтирилган сўзларига шарҳ бўлган. Лекин, бунинг барчаси Қазвийнийнинг билдирган фикрларини шарҳлаш жараёнида амалга оширилган. Тафтазоний Қазвийнийнинг фикрларини шарҳлагандан сўнг бошқа олимларнинг қарашларига муносабат билдиришга ўтиб кетган.

Тафтазоний замондошлари ва ўзидан олдингиларнинг Журжоний услубига кўра чиқарган хулосалари, кўп мисоллар келтириш йўли, улардан балоғатга оид нозик сўз ва мисолларни чиқариши, баъзан ақлий тақсимотларда чегарадан чиқишларига эътироз билдиради.

Саъдуддин Тафтазоний араблар услубларини синчковлик билан ўрганиб чиққан. Бу билан у балоғат уламолари, жумладан, Абдулқоҳир Журжоний ишлаб чиққан баъзи ҳукмларни далиллар билан баён қила олган. Уларнинг аксарияти қатъий эмас. Баъзилари услуб торлиги туфайли тор бўлиб қолган. Баъзилари инкор қилувчи белгиси борлиги учун бузилган. Буни муаллифдан кейин келган ва унинг асарларига катта эътибор қаратган кўпчилик англаб етган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тариху улуми-л-балаға ва-т-таъриф би-рижалиҳа. Аҳмад Мустафо ал-Мароғий. Миср. 1950.
2. تاريخ علوم البلاغة والتعريف برجالها. أحمد مصطفى المراغي. مصر، 1950. ص 23.
3. أحمد بن علي بن محمد بن حجر الأَسْقَلَانِي. الدرر الكامنة في أعيان المائة الثامنة. حيدر آباد. ج. 5. 1983.
4. جلال الدين القزويني. تلخيص المفتاح. علي شير نوايي ناميده كي أدبيات موزيي قول يازمه لار فوندي، رقم – 402.
5. سعّدُ الدين التفتازاني. شرح تلخيص المفتاح. ابو ریحان بيروني ناميده كي شرق قول يازمه لاري فوندي، رقم – 13009.
6. 1986. عدد المجلدات: 10. محمد ابن العماد العكري. المؤلف شذرات الذهب في أخبار من ذهب
7. مفتاح السعادة ومصباح السيادة في موضوعات العلوم. طاشكبري زاده. 1985. بيروت.
8. محمد ابن العماد العكري. شذرات الذهب في أخبار من ذهب المؤلف. عام 1986 ج. 6. ص 319-332.
9. إسماعيل باشا البغدادي. هدية العارفين أسماء المؤلفين وآثار المصنفين. استانبول. سنة 1951. ص 439-430.
10. Кашфу-з-зунуз ан асамили кутуб ва-л-фунун. Мустафо ибн Абдуллоҳ Ҳожи Халифа. Дамашқ. 1-жилд. 1994.
11. Муқаддима. Ибн Халдун ал-Ҳадраий. Байрут. 3-жилд. 1957